



## Ислом Нури

Хурматли ота-оналарга шуни маслахат берамизки, агар икки ё ундан кўпроқ болаларни йигиб бир вақтда таълим бермокчи бўлсалар, куйидагиларга кулок тутсинлар. Агар фарзандингизни бири саволга тушунмаганда ёки нотўғри жавоб берганда ундан каттароги ё тезроқ тушунадигани кулиб уни уялтирса, ўша болага кийин бўлади. Бунинг олдини олиш керак. Ё одоб билан ё алохида ўргатиш билан. Яна шуни тавсия киламизки, дарс бераётган ота-она ширин муомала, юзида табассум ҳамда мулойимлик билан ўз вазифаларини бажарсинлар. Кўпинча ота-оналар фарзандидан шикоят килиб: Бу бола мени сиқиб касал килди дейишади. Акл эгалари айтсинларчи, ким айбдор!?

1. Савол: Болажоним, жаннатга кимлар киради?

Жавоб: Жаннатга мусулмонлар киради.

2. Савол: Мусулмонларни Аллох яхши кўрадимиз?

Жавоб: Ҳа дадажон, чунки мусулмонлар намоз ўқийдилар.

3. Савол: Намоз ўқиганларни Аллох яхши кўрадимиз?



## Ислом Нури

Жавоб: Ха дадажон, намоз ўқийдиганлар яхши одамлар-да.

4. Савол: Болажоним, намоз ўқимаса нима бўлади?

Жавоб: Катта  
гуноҳ бўлади.

5. Савол: Гуноҳни Аллоҳ яхши кўрадимми?

Жавоб:  
Йўқ дадажон, гуноҳни Аллоҳ ёмон кўради.

6. Савол: Демак, намоз  
ўқимайдиганларни Аллоҳ ёмон кўрадимми?

Жавоб: Ха дадажон, намоз ўқимаса  
Жаннатга ҳам кирмайди.

7. Савол: Болажоним, жаннатга кирганлар у ерда  
канча яшайдилар?

Жавоб: Жаннатга кирганлар у ерда абадий  
яшайдилар.